

**О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MANKAMASINING
QARORI**



**ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

« 28 » сентябрь 2018 у.

№ 772

Toshkent sh.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви
академиясининг ҳудудий филиаллари фаолиятини ташкил этиш
чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг ҳудудий филиалларини ташкил этиш тўғрисида” 2018 йил 6 августдаги ПҚ-3901-сон қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқарув органларининг ҳудудий тузилмалари ҳамда бошқа ташкилотларнинг бошқарув кадрлари ва масъул ходимлари учун замонавий шароитларда бошқарув кадрларининг касбий билим ва савиясига қўйилаётган талабларни ҳисобга олган ҳолда уларнинг малакасини оширишни самарали ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси томонидан ишлаб чиқилган:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ва унинг ҳудудий филиалларида 2018/2019 ўқув йилида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий тузилмалари, шунингдек, нодавлат нотижорат ва бошқа ташкилотлар бошқарув кадрларининг малака ошириш жадвали 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ва унинг ҳудудий филиалларида 2018/2019 ўқув йилида жадвалга мувофиқ малака ошириш курсларига юбориладиган бошқарув кадрлар таркиби 2 ва 2а - иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси (кейинги ўринларда – Академия деб аталади) келгуси ўқув йиллари учун бошқарув кадрларининг малака ошириш жадвали ва таркибини ҳар йили 1 августга қадар Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли комплекслари ва таркибий бўлинмалари раҳбарлари Қорақалпоғистон

Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда Академия ва унинг ҳудудий филиалларида бошқарув кадрларининг малака ошириш жадвалига мувофиқ малака ошириш курсларида тингловчиларнинг иштирокини таъминласинлар.

3. Академия Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда:

ҳар йили сентябрь ойидан бошлаб, тасдиқланган малака ошириш жадвали ва ўқув режаси асосида ҳудудий филиалларда замонавий таълим технологияларини татбиқ этган ҳолда юқори савияда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат бошқаруви органларининг ҳудудий тузилмалари ҳамда бошқа давлат ташкилотлари бошқарув кадрларининг малакасини ошириш курслари ташкил этиш;

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан юбориладиган малака оширувчи бошқарув кадрларининг малака ошириш жадвали, ҳудудий филиалларнинг ўқув режаси ва дастурлари асосида Академияда ўқитилишига зарур шарт-шароитлар яратиш;

Академия ва унинг ҳудудий филиалларидаги малака ошириш курсларида таълим жараёнининг сифатли ташкил этилиши ва самарадорлиги юзасидан доимий мониторинг олиб борилишини таъминласин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

малака ошириш курсларининг ўқув юкларини ҳажми Академия томонидан буюртмачилар билан келишилган ҳолда тасдиқланган ўқув режалари асосида белгиланади;

малака ошириш курслари тингловчилари Академиянинг Ахборот-ресурс маркази электрон адабиётлар фондидан бепул асосда фойдаланадилар;

иш жойидан ажралган ҳолда малака ошириш курслари ва ўқув-амалий семинарларга юбориладиган тингловчиларга, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суткалик ва транспорт харажатлар қопланади;

вилоят ҳокими ўринбосарлари, туман (шаҳар) ҳокимлари ва туман (шаҳар) ҳокими ўринбосарлари учун ташкил этиладиган малака ошириш курслари ва ўқув-амалий семинарлар даврида ўқув машғулотларидан кейин тегишли тиббиёт бирлашмаларида уларни стационар тиббий кўрикдан ўтказиш ва даволаш ишлари амалга оширилади;

ҳудудий филиаллар фаолиятини амалга ошириш учун филиал ходимлари, профессор-ўқитувчилар ва мутахассисларнинг малакасини ошириш, шунингдек, Академия ва унинг ҳудудий филиалларига қўшимча профессор-ўқитувчи ҳамда мутахассисларни тайёрлаш мақсадида ўқув семинарлари ва тренинглар ўтказиб борилади;

хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий тузилмалари, нодавлат нотижорат ва бошқа ташкилотлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг буюртмаларига кўра, тўлов-контракт асосидаги малака ошириш ўқув курслари буюртмалар портфеллари асосида тасдиқланган малака ошириш режаларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этилади.

5. Академия Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

Академия ва унинг ҳудудий филиалларида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий тузилмалари, шунингдек, нодавлат нотижорат ва бошқа ташкилотларнинг бошқарув кадрлари ва масъул ходимлари учун вазирлик, идора ҳамда бошқа ташкилотларнинг раҳбарларини жалб этган ҳолда доимий асосда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг эҳтиёжидан келиб чиқиб, ўқув-амалий семинарлар ташкил этилишини таъминласин;

ўқув-амалий семинарларнинг Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва устувор йўналишлари, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат ҳамда ҳудудий дастурларнинг жойлардаги ижроси самарадорлигини оширишнинг долзарб масалаларига бағишланишига эътибор қаратсин;

ўқув-амалий семинарлар тегишли мавзулар бўйича вазирлик, идора ҳамда бошқа ташкилотларнинг раҳбарларини ўқув машғулотларига жалб этган ҳолда доимий асосда ташкил этсин;

Академия ва унинг ҳудудий филиалларида ташкил этиладиган ўқув-амалий семинарлар режаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан Академия билан келишган ҳолда ҳар йили 1 сентябрь кунига қадар ишлаб чиқсин;

вазирлик, идора ҳамда бошқа ташкилотларнинг раҳбарларини жалб қилган ҳолда, шунингдек, Академия профессор-ўқитувчилари иштирокидаги ўқув-амалий семинарлар ҳудудий филиалларнинг Академия билан “Электрон таълим” миллий тармоғи ёрдамида ўзаро уланиш орқали масофавий вебинар шаклда ташкил этилишига эътибор қаратсин;

ўқув-амалий семинарлар доирасида тингловчиларда ўз фаолиятини самарали режалаштириш ва иш режалари (“йўл хариталари”)ни сифатли бажариш кўникмаларини шакллантиришга йўналтирсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Академиянинг талабномаси бўйича ўн кунлик муддатда ҳудудий филиалларни олий таълим муассасаларининг биноларида “ноль” ставкадаги ижара тўлови асосида ҳамда тегишли коммунал ва фойдаланиш харажатларини қопламаган

ҳолда, шунингдек, малака ошириш курсларини ташкил этиш ва жойлаштириш учун керакли хоналарни таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга оширган ҳолда жойлаштирилишини яқунласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳудудий филиаллар фаолиятини ташкил этиш ва уларни сақлаш, шунингдек, мебель, замонавий ўқув ва масофавий таълим учун зарур жиҳозлар, компьютер техникаси, хоналарда кузатув камералар, ўқув адабиётлари билан таъминлаш юзасидан Академиянинг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича зарур бюджет маблағларини ажратсин.

8. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигига Академия ва унинг ҳудудий филиаллари фаолиятини мунтазам равишда оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

9. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари – “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқаруви раиси А.Ж.Раматов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳакимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ва унинг ҳудудий филиалларида
2018/2019 ўқув йилида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг
худудий тузилмалари, шунингдек, нодавлат нотижорат ва бошқа ташкилотлар
бошқарув кадрларининг малака ошириш
ЖАДВАЛИ

Т/р	Худудлар номи	Жами 2018/2019 ўқув йилида		Шу жумладан, ойлар кесимида																				Малака ошириладиган филиаллар номи	Жами филиаллар бўйича	
				2018 йил										2019 йил												
				Сентябрь		Октябрь		Ноябрь		Декабрь		Январь*	Февраль*	Март		Апрель		Май		Июнь						
				Грант	Тўлов**	Грант	Тўлов	Грант	Тўлов	Грант	Тўлов	Грант	Тўлов	Грант	Тўлов	Грант	Тўлов	Грант	Тўлов	Грант	Тўлов	Грант	Тўлов			
Туман (шаҳар) ҳокимлиги ва ташкилотлари раҳбар кадрлари																										
1	Қорақалпоғистон Республикаси	336	120	15	15	30	15	30	15	60	15	49	47	30	15	30	15	30	15	15	15	15	15	Урганч худудий филиали	587	240
2	Хоразм вилояти	251	120	15	15	30	15	30	15		15	49	22	30	15	30	15	30	15	15	15	15	15	Қарши худудий филиали	612	240
3	Қашқадарё вилояти	316	120	15	15	30	15	30	15	30	15	49	42	30	15	30	15	30	15	30	15	15	15	Қарши худудий филиали	612	240
4	Сурхондарё вилояти	296	120	15	15	30	15	30	15	30	15	43	43	30	15	30	15	30	15	15	15	15	15	Гулистон худудий филиали	503	240
5	Жиззах вилояти	273	120	15	15	30	15	30	15	30	15	36	42	30	15	30	15	30	15		15			Гулистон худудий филиали	503	240
6	Сирдарё вилояти	230	120	15	15	30	15	30	15	30	15	43	22	30	15	30	15		15		15			Самарқанд худудий филиали	816	360
7	Самарқанд вилояти	336	120	30	15	30	15	30	15	30	15	48	48	30	15	30	15	30	15	30	15	15	15	Самарқанд худудий филиали	816	360
8	Бухоро вилояти	272	120	15	15	30	15	30	15	30	15	36	41	30	15	15	15	30	15	15	15	15	15	Самарқанд худудий филиали	816	360
9	Навоий вилояти	208	120	15	15	30	15	30	15	30	15	36	22	30	15	15	15		15		15			Самарқанд худудий филиали	816	360
10	Фарғона вилояти	396	120	30	15	30	15	30	15	30	15	60	51	30	15	30	15	30	15	75	15			Фарғона худудий филиали	983	360
11	Андижон вилояти	336	120	15	15	30	15	30	15	30	15	49	47	30	15	30	15	45	15	30	15			Фарғона худудий филиали	983	360
12	Наманган вилояти	251	120	15	15	30	15	30	15	30	15	36	35	30	15	30	15	15	15		15			Фарғона худудий филиали	983	360
13	Тошкент вилояти	455	120	30	15	30	15	30	15	60	15	60	65	30	15	30	15	60	15	60	15	15	15	Академия	675	240
14	Тошкент шаҳри	220	120	30	15	30	15	30	15		15	20	35	30	15	30	15	15	15		15			Академия	675	240
	Жами	4176	1680	270	210	420	210	420	210	420	210	614	562	420	210	390	210	375	210	285	210			4176	1680	

*Изоҳ: Январь ва февраль ойларида республиканинг барча туман (шаҳар) ҳокимларининг ўринбосарлари малака оширади.

** Хўжалик бошқаруви органларининг худудий тузилмалари, нодавлат нотижорат ва бошқа ташкилотлар, шунингдек, таъдиркорлик субъектларининг буюртмаларига кўра тўлов контракт асосида малака ошириш ўқув курслари ташкил қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси
ва унинг ҳудудий филиалларида 2018/2019 ўқув йилида малака ошириш курсларига
давлат гранти асосида юбориладиган бошқарув кадрлар
ТАРКИБИ

Т/р	Тингловчилар лавозими
Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосарлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ўринбосарлари	
1	Иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари
2	Саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари
3	Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари
4	Инвестициялар, инновациялар, хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва кичик саноат зоналари ҳамда туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари
5	Ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари
6	Хотин-қизлар қўмитаси раиси
Туман (шаҳар) ҳокимлари	
1	Туман (шаҳар) ҳокими
Туман (шаҳар) ҳокими ўринбосарлари*	
1	Ҳокимнинг Иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари
2	Ҳокимнинг Саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари
3	Ҳокимнинг Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари
4	Ҳокимнинг Инвестициялар, инновациялар, хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва кичик саноат зоналари ҳамда туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари
5	Ҳокимнинг Ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари
6	Ҳоким ўринбосари - Хотин-қизлар қўмитаси раиси
Туман (шаҳар) бўлимлари раҳбарлари**	
1	Туман Давлат солиқ инспекцияси
2	Туман Иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўлими
3	Туман Молия бўлими
4	Туман Статистика бўлими
5	Туман Бандликка қўмаклашиш маркази
6	Туман Давлат архиви бўлими
7	Туман Халқ таълими бўлими
8	Туман Мактабгача таълим бўлими
9	Туман Маданият бўлими
10	Туман Жисмоний тарбия ва спорт бўлими
11	Туман Тиббиёт бирлашмаси
12	Туман Давлат санитария ва эпидемиология назорати маркази
13	Туман "Оила" бўлими
14	Туман Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси
15	Туман Ободонлаштириш бошқармаси
16	Туман уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими
17	Туман Уй-жой бўлими
18	Туман Қишлоқ хўжалиги бўлими
19	Туман Ер ресурслари ва кадастри бўлими
20	Туман Ветеринария бўлими
21	Туман Ирригация бўлими

Изоҳ: Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги мазкур қарор 1-иловасидаги жадвал асосида 2018/2019 ўқув йили ойлари ва туман (шаҳар)лар кесимида тингловчилар рўйхатини Академияга тақдим этади.

* Туман (шаҳар) ҳоким ўринбосарлари 2019 йил январь ва февраль ойларида малака оширадилар. Уларнинг сони туман ёки шаҳарнинг таркибий тузилмасидан келиб чиқиб белгиланади.

**Ҳар бир туман (шаҳар) ҳокимлигидан 15 нафар тингловчи маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат бошқаруви органларининг ҳудудий тузилмалари ҳамда бошқа давлат ташкилотларидан грант асосида малака ошириш курсларига юборилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил "28" сентябрдаги 772-сон қарорига
2а-илова

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси
ва унинг ҳудудий филиалларида 2018/2019 ўқув йилида малака ошириш курсларига
тўлов-контракт асосида юбориладиган бошқарув кадрлари
ТАРКИБИ

Т/р	Тингловчилар лавозими
Туман (шаҳар) ташкилотлари раҳбарлари	
1	Туман Тадбиркорликка кўмаклашиш маркази
2	Туман Агросуғурта бўлими
3	Агробанк туман филиали
4	Халқ банки туман филиали
5	Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамияти туман бўлими
6	Туман Давлат хизматлари маркази
7	“Нуроний” жамғармаси туман Кенгаши
8	Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи туман Кенгаши
9	Ўзбекистон “Ёшлар Иттифоқи” туман Кенгаши
10	Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти туман Кенгаши
11	Ўзбекистон Халқ демократик партияси туман Кенгаши
12	Ўзбекистон либерал демократик партияси туман Кенгаши
13	“Миллий тикланиш” демократик партияси туман Кенгаши
14	“Адолат” социал-демократик партияси туман Кенгаши
15	Тумани фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши
16	“Сувоқова” ДУК туман филиали
17	Туман телекоммуникация боғланмаси
18	Туман электр тармоқлари корхонаси
19	“Тумангаз” филиали
20	Туман "Ермулккадастр" хизмати
21	Туман "Тоза ҳудуд" ДУК
22	Туманагроҳимоя ҲАЖ
23	Туман “Агросервис” МЧЖ
24	Туман “Агропилла” МЧЖ

Изоҳ: Ушбу рўйхатдаги номзодлар малака ошириш курсларига мазкур қарор 1-илласидаги жадвалда белгиланган давлат гранти асосида юбориладиган бошқарув кадрлар таркибидан ташқари юборилади.